● СЕРЖАНТЛАР ТАЙЁРЛАШ МАКТАБЛАРИДА

# СЕРОБНИНГ СЕРМАЗМУН СУҲБАТЛАРИ

**Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг кўзга ташланарли натижаларидан бири — сержантлар тайёрлаш мактабларини ташкил қилинишини десак, муболаға қилмаймиз. Чунки, янги аср талабларига тўла жавоб бера оладиган профессионал армия қурилишида янги турдаги мутахассислар тайёрлашнинг аҳамияти беқиёсдир.**

Юртбошимиз — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг «кимга ва нима учун хизмат қилаётганини билмаган ҳарбий профессионалнинг қадри йўқ», деган сўзларини катта лейтенант Сероб Бозоров доимо ёдида тутиб, фаолиятидаги ҳар бир ҳаракатини шу нуқтаи назардан баҳолашга интилади. Негаки, у Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округдаги сержантлар тайёрлаш мактабида тарбиячи офицер бўлиб хизмат қилмоқда.

— Катта лейтенант Бозоров қўл остидаги курсантлар билан дарсларни, суҳбатларни мумкин қадар таъсирчан ўтказишга ҳаракат қилади,— дейди мактаб бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Боймирза Каримов.— Ёш офицернинг янги билимларга чанқоқлиги, интилувчанлиги ҳам бўлажак профессионал ҳарбий хизматчиларнинг ўқув жараёнига қизиқишини орттиради.

Балким шундандир, катта лейтенант Аслиддин Эгамназаров сардорлик қилаётган ўқув взводи жамоаси ўқув мавсумида яхши натижаларга эришмоқда. Аммо, взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари катта лейтенант Сероб Бозоров бундай ҳисобламайди. Унинг фикрига кўра, тарбия жараёни муваффақияти — бу умумий меҳнат самарасидир. У ўзининг фаол ёрдамчиларидан «Муҳандис ва таъминот» деворий рўзномаси муҳаррири курсант Раҳим Ражабов, рассом курсант Фарҳод Қўшоқов, дам олиш тадбирлари ташкилотчиси курсант Фазлиддин Жўраевлар ҳақида илиқ фикр билдирди.

— Мактабимиз ишга тушган дастлабки пайтларда қийинроқ бўлди,— дейди ёш офицер.— Масалан, биринчи қабул қилинган курсантларни ўқитишга киришганимизда, адабиётлар ва кўргазмали қуролларнинг асосий қисмини рус тилида олдик. Ҳаммасини таржима қилишга тўғри келди. Муддатли хизматдан захирага бўшаб кетган йигитлар учун ҳарбий ҳаётга қайтадан мослашиш ҳам осон кечмади. Юқорида тилга олинган тўсиқларни енгиб ўтиш икки томондан — ўқувчилар ва ўқитувчилардан катта меҳнат, сабру тоқат, матонат талаб қиларди. Қувончлиси шундаки, кўпчиликда бу хислатлар борлигини мактабдаги илк битирув натижалари кўрсатди. Тўғри, аълочилар кўп эмасди, аммо ўқишни эплай олмаган ёки интизоми учун четлатилганлар деярли бўлмагани бу ўқув взводида тарбиявий жараён тўғри йўлга қўйилганини исботлаб турибди.

— Муҳими, йигитларнинг ўзида интилиш жуда кучли эди,— деб эслайди ўша вақтларни катта лейтенант С. Бозоров.— Бирортаси дарсдан «икки» олса, бўш вақтида олдимга келарди, ёрдам сўраб. Ўтириб алоҳида шуғулланардик, кейинчалик курсант баҳоларни яхшилаб оларди.

Ҳозирда шартнома асосида кичик сержант унвонларини олиб, ҳарбий қисмларда мустақил хизматини ўтаётган шогирдларини уялтирмаслик учун офицер уларнинг исми-шарифларини айтиб ўтирмади. Менимча, унинг аҳамияти ҳам йўқ. Энг муҳими — улар устозидан миннатдор ҳолда мактабни тарк этган ва ўзлари бошчилик қилаётган муддатли хизматдаги аскарларга худди шундай сабр-тоқат ила ҳарб илмини ўргатишларига ишончим комил.

Шу жойда мақоламиз қаҳрамони билан ўқувчиларимизни яқинроқ таништириб ўтсак. Серобжон асли Қашқадарё вилояти Косон туманидан. 1998 йилда Чирчиқ олий танкчи қўмондонлик-муҳандислик билим юртини тамомлаган. Офицерлик хизматини Термиз гарнизонида бошлаган. Бошида унга ҳам осон бўлмаган — танкчилар гуруҳи командирлигига ўқиган йигит реактив артиллерия бўлинмасига, командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига тайинланган. Тарбиячи бўлиб шаклланишига майорлар Акмал Тиллаев ва Неъмат Ёқубов, капитан Алишер Аҳмаджоновлар катта ҳисса қўшган экан. Кейинчалик устозлар қаторига майорлар Алишер Қиличев ва Боймирза Каримовлар ҳам қўшилди.

Шунча одамлардан хизмат тажрибасини ўрганган ёш офицернинг жанговар қисмдан сержантлар тайёрлаш мактабига жўнатилиши — табиий ҳолат. Чунки, округ қўмондонлиги ҳам янги ўқув масканига офицерлар танлашда биринчи навбатда энг сара, билимдонларини тавсия қилганди.

Мактабга иккинчи бор курсантлар олинганда, катта лейтенант С. Бозоровнинг захирадан чақирилган аскарлар билан ишлаш тажрибасини қўмондонлик инобатга олганга ўхшайди: муҳандислик ва таъминот хизматларига мутахассис тайёрлайдиган бу ўқув взводида улар кўпчиликни ташкил қилади. Курсантларнинг шахсий ҳужжатларини кўздан кечиргач, Серобжон ҳар биттаси билан алоҳида суҳбатлашиб чиқди. Мақсади — шахсий таркибни чуқурроқ ўрганиш.

— Қайсидир маънода, мен ҳам уларга ўхшаган ўқувчиман,— дейди у суҳбат давомида.— Улар ҳарб илмини ўрганса, мен уларнинг хулқ-атворини, характерини билишим шарт. Чунки, келгуси машғулотларда кучли томонларини ишга солиб, заиф томонларини йўқотиш учун икки томонлама иш олиб боришимиз зарур. Бунга эришиш учун ҳар бири билан, ҳар хил вазиятларда суҳбатлашишга тўғри келади.

Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида офицер шогирдларига Истиқлол ҳақида тўлқинланиб гапирди. Сержантлар мактаби дунёга келиши, уларнинг ҳарбий профессионаллар қаторига қўшилиш ниятида ташлаётган қадамлари ҳам мустақиллик берган имконият эканлигини, мустақил юртни ҳимоя қилишнақадар шарафли ва масъулиятли бурч эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди.

**Майор А. КАМОЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# 11 сентябрь: бир йил ўтди...

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий томондан унчалик қудратли бўлмаган давлатларгагина хавф солаётгандек кўринар эди. Бироқ 11 сентябрь куни АҚШда амалга оширилган қўпорувчилик бу фикрни бутунлай чиппакка чиқарди.

Кўриниб турибдики, террор миллат ҳам, давлат ҳам, макон ҳам танламайди. Ҳолбуки, давлатимиз раҳбари мустақилликнинг дастлабки даврлариданоқ турли минбарлардан туриб, халқаро террор айрим халқлар ва давлатларнинг эмас, балки бутун башариятнинг муаммоси экани, унга қарши дунёнинг барча мамлакатлари биргаликда курашиши лозимлигини қайта-қайта уқтириб келаётган эди. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу башоратомуз гаплари 11 сентябрь фожиаларидан кейин ўзининг яққол исботини топди.

Шу фожиадан кейин халқаро ҳамжамият террорни таг-томири билан қуритишга қатъий бел боғлади. Ўзбекистон халқаро аксилтеррор компаниясини фаол қўллаб-қувватлади. Давлатимиз раҳбарининг ана шундай тарихий эврилиш даврида аниқ ва узоқни кўзлаб юритган дадил сиёсати халқаро майдонда Ўзбекистон обрўйини янада оширгани шубҳасиз. Мамлакатимизнинг бу борадаги сиёсати, халқаро аксилтеррор кучларининг тинч ҳаётга тажовуз қилишни ният қилиб олган ёвуз кучларга қарши ҳамжиҳатликда бошлаган курашини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлагани боис бугунги кунда АҚШ, бутун Америка халқи бизга қизғин миннатдорлик билдирмоқда. АҚШ расмий доиралари Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билдираётганининг негизида ҳам ана шу миннатдорлик туйғуси ётибди.

11 сентябрь воқеаларидан сўнг Ўзбекистон—АҚШ муносабатларида янги давр бошланганидан билиш қийин эмас. Ўтган бир йил давомида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий алоқалар янада жадал ривожлана бошлади. АҚШ ҳукумати, Конгресси аъзолари, давлат, ҳарбий ва жамоат ташкилотлари ҳамда ишбилармон доиралари вакилларидан иборат делегациялар мамлакатимизга мунтазам келиб турибди. Ҳамкорликнинг янги-янги режалари тузилмоқда ва ҳаётга жорий қилинмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг шу йили март ойида АҚШга расмий ташрифидан сўнг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди.

Мазкур ташриф чоғида икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация имзоланди. Бу ҳужжат Ўзбекистон билан АҚШни бир-бирига янада яқинлаштирди. Жаҳонда ва минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда, терроризмга қарши курашда, иқтисодий муаммоларни ҳал этишда узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорлик юзага келди.

Дўст кулфатда билинади, дейдилар. АҚШда содир этилган фожиа ҳам жаҳон аҳлини ёвуз кучларга қарши курашда жипслаштирди. Айни пайтда, Президентимиз айтганидек, 11 сентябрь ёвуз кучларнинг дунёдаги барча тинчликпарвар кишиларга нисбатан даҳшатли тажовуз амалга оширилган «қора кун» сифатида инсоният тарихига кирди. Бу сана ҳеч қачон унутилмайди.

**С. РАҲИМОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

● ЁЗГИ ЎҚУВ МАВСУМ АВЖИДА

# ОНА НАСИҲАТИН ДИЛГА ЖО ЭТИБ

— Ўғлим, ўзбек ўғлони эканлигингни асло унутма, йигитлик бурчингни аъло даражада уддала,— дея она фарзандини бағрига босар экан, кўзига ёш олди. Шунда ўғил қаддини ростлаганича: «Ойижон, ахир мен олис ўлкаларга кетаётганим йўқ-ку! Жонажон Ватаним ҳимоясига, йигитлик бурчимни ўташ учун шайланмоқдаман»,— деган эди. Аҳаджоннинг бу гапларидан сўнг уни кузатишга келганларнинг барчасида ич-ичидан фахр туйғуси пайдо бўлди...

Асли фарғоналик йигит — оддий аскар Аҳаджон Юсуповнинг ҳарбий хизматни ўтай бошлаганига салкам бир ярим йил бўлди. Ўтган йилнинг баҳорида хизматга чақирилган Аҳаджон танк катта механик-ҳайдовчиси мутахассислигини пухта эгаллаш учун изчил изланди, қатъий ҳаракат қилди.

Маълумки, танк механик-ҳайдовчиси бўлиш ўта аниқликни, тезкорликни талаб этади. Бу фазилатлар Аҳаджонда мужассам. Тўғри, юқоридаги фазилатлар танк экипажининг ҳар бир аъзосидан талаб этилади. Лекин, жанг майдонида айнан танк механик-ҳайдовчисининг аниқ хатти-ҳаракати бутун экипаж учун муваффақият келтириши ёки бунинг акси бўлиши мумкин. Буни оддий аскар Юсупов ҳам жуда яхши билади. Ўқув машғулотларида кўрсатаётган фаоллиги-ю, тиришқоқлиги фикримизнинг ёрқин исботидир. Фақатгина шу сабабли эмас, балки хушмуомалалиги, уқувлилиги туфайли ҳам уни сафдошлари ҳурмат қилишади.

Сир эмас, инсонда фаоллик, тиришқоқлик бўлса, у ўз мақсадига эришиш учун астойдил интилса, бу йўлда учрайдиган қийинчиликлардан қўрқмаса, нияти албатта ижобат бўлади. Аҳаджонга хизматга келган илк кунлари ишонқирамай қараганлар бўлган эди. Бироқ, тиришқоқ жангчи ўз ниятига эришди — аълочи посбонга айланди.



«Энг катта орзуингиз нима?»,— деган саволимизга Аҳаджон: «Ҳеч қачон уруш бўлмасин, ҳамиша тинчлик бўлсин,— деди ва қўшиб қўйди,— олган билимларимизни ҳақиқий жангда эмас, жанговар ўқув машғулотларида қўллаш насиб этаверсин, мудом».

Суҳбат мобайнида Аҳаджон ҳарбий хизматдаги фаолияти мобайнида катта taассуротлар олганлигини, дунёқараши ўзгарганлигини, энг асосийси, вақт қадрига етадиган, соғинч нималигини тушунадиган бўлганини айтди. Талабчан, бироқ меҳрибон устозлари шаънига илиқ фикрлар билдирди. Айнан уларнинг ғамхўрликлари боис хизматда қийинчилик сезмаётганини миннатдорчилик билан гапирди.

Ҳозирда қизғин давом этаётган ёзги ўқув машғулотларининг барча тайёргарликларида юксак натижаларга эришиб келаётган Аҳаджоннинг муваффақиятлари, ютуқларидан, биз ҳам хурсандмиз. Унинг ўз хизматини ҳам, она насиҳатини ҳам аъло даражада уддалашига тилакдошмиз.

**ЎзМУ журналистика факультети талабаси**
**Т. ЖУМАНАЗАРОВ.**

Суратда: **танк катта механик-ҳайдовчиси оддий аскар А. ЮСУПОВ.**
**К. ТЎРАЕВ** олган сурат.

